

Ваъдасида турмаслик



17:31 / 09.03.2023 7312

Савол:

Ассалому алайкум! Олдинги саволимга жавоб олдим лекин хўжайним Қуръони Карим китобини ушлаб, қайтиб ичмасликни ваъда берган эди. Ҳозирда озгина ичдим деб келмоқда. Унинг ичган куни фарзандларим бирма бир истималаб оғриб қолмоқда. Бундай ҳолат китоб ушлаб ваъда бергани учунмикин деб ўйлаб қоламан. Ваъда бериб яна ичса бўладими ёки бирон фарзандимга уриб қоладими?

Жавоб:

– Ва алайкум ассалом! Маст қилувчи ичимликларни ичиш шариатимизда ҳаром қилинган, кабира – катта гуноҳлардан ҳисобланади. Мусулмон киши бу ишдан тийилиши керак. Буни қасам ичгани ёки боласига уришидан

кўрқиб эмас, балки Аллоҳ ҳаром қилгани учун ичмаслиги керак. Охиратдаги азоби қаттиқ бўлгани учун буни қилмаслиги керак. Бугун фарзандларингиз истималамаса ичавериши керак эмас. Чунки бунинг азоби қаттиқлигидан банда эртага ўша хавотир қилган фарзандларидан ҳам охиратда кечиб юборади. «Ҳаж» сурасининг 2-оятида шундай дейилади:

اَلَمْ حِجَّ لِمَحَلِّكَ غَضَبًا وَتَغَضَبَ رَاٰمَعٍ عَصْرًا لَكَ لَهْدَتِ اَهْلُ وَاوَرَّتْ مَوِي
اَدِيْدَشَهْلَلْ اَبَادَعْنُ كَلَوِ يَرَاكُ سَبُّهُ اَمَوْ يَرَاكُ سَسَا نَلِ اِيْرَتَوْ

«Уни кўрадиган кунингизда, ҳар бир эмизувчи эмизаётган нарсасини унутар. Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар. Одамларни маст ҳолда кўрарсан. Ҳолбуки, улар маст эмас. Лекин Аллоҳнинг азоби шиддатлидир».

Яъни, Қиёмат зилзиласи рўй берган кунда:

«Ҳар бир эмизувчи эмизаётган нарсасини унутар».

Маълумки, она ўзи эмизаётган боласига жуда боғлиқ бўлади. Ухлаб қолган онани момақалди роқ уйғота олмаслиги мумкин, лекин боласининг инграши дарҳол уйғотади. Эмизувчи она ҳамма нарсани унутса унутади, аммо боласини унутмайди. Лекин қиёмат зилзиласи шу қадар даҳшатлики, ҳатто эмизувчи аёл ҳам боласини унутади. Битта-иккитаси эмас, ҳаммаси, ҳар бир эмизикли аёл эмизадиган боласини унутиб қўяди.

«Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлар».

Бу ҳам ўша зилзиланинг даҳшатидан рўй беради. Ҳомиладор ҳомиласини ташлаб қўйиши учун ниҳоятда қаттиқ кўрқиши керак. Ўшандоқ кўрқув қиёмат зилзиласидан бўлади. Ўша вақтда:

«Одамларни маст ҳолда кўрарсан. Ҳолбуки, улар маст эмас».

Бу ҳолат ҳам ўша зилзиланинг ғоятда даҳшатли эканига далолат қилади. Қаттиқ кўрққан одамлар ҳеч нарса ичмасдан туриб ҳам эс-хушларини йўқотиб, худди маст одамларга ўхшаб қолишади. Чунки: **«Аллоҳнинг азоби шиддатлидир».** («Тафсири Ҳилол» китобидан)

Эрингиз тез тавба қилиб, ичишни ташламаса бу дунёда ҳам балога учраб кетиши мумкин. Охиратдаги жазо эса муқаррар ундан қочиб бўлмайди. Ичкиликка муккасидан кетганларни даволайдиган мутахассис ва тажрибали шифокорлар билан маслаҳат қилинглр. Валлоҳу аълам!

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати